



ISSN 2181-5186

**ЁШ ОЛИМЛАР АХБОРОТНОМАСИ  
ВЕСТНИК МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ  
THE BULLETIN OF YOUNG SCIENTISTS**

**№3(4) 2022**

24.	Ж.С.Кочкоров, Х.Абдиқалиқова. Истатистия-гуманизтар фикарларини долзарблишти	106
25.	М.Х.Муштақиева. Захира информации посредством искусственного интеллекта	109
26.	С.Д.Норсулов. Функционал жамияти шаклланиши ҳамда жамиятнинг оғдаги дигитализациянинг диалектик босқичлик масалалари	113
27.	С.Д.Норсулов. Жамият жамиятнинг оғдаги дигитализациянинг кинизлар сезилмаши ҳамдага таъсири масалалари	119
28.	А.К.Назратдинов. Коррупцияларни кузи-амалилик муносабатлари ҳамда	124
29.	Б.Б.Розиков. Табиғийлик фалсафаси ҳамда жамиятнинг ўрни	128
30.	М.Ш.Тулағиева. Криптовалютага оид муносабат ва ривожланиши цифровик технологияларни обороти финансовик жамият	132
31.	Б.Б.Розиков. Кинизлик қоронди бозори	136
32.	Ш.Ш.Ғайниева, Н.А.Ғайниева. Глобализация ва ривожланиши инновацияларнинг ўрни	140
33.	О.А.Шарифуллоев. Моделирование финансово-экономической деятельности бизнеса	144
34.	Д.Ш.Шукурова. Инновация ҳамда таълим фалсафаси ҳамда инновацияларнинг таъсирини таълим ва кинизлик	148
35.	Ш.А.Юлдашева, Н.А.Ғайниева, Г.О.Исмаилова. Уй-жой қозғалди қўлқалиқлари ҳамда рақамлик инновацияларнинг жамияти	151
36.	Д.А.Юсупов. Ядро финансовик функцияларни компьютер технологияларини фойдаланиши инновация ва афалициялар	155
37.	Р.Шарофова. Роль государства в развитии аграрно-промышленного комплекса	159

**ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ОНГДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КИШИЛАР  
МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ MASALALARI**

С.Д.Норкулов\*

*Калит сўзлар: Ижтимоий онг, парадигмал ўзгариш, трансформация, жамият, фуқаролик жамияти, демократия, тарихий онг, миллий ўзликни англати, маънавият, маънавий тараққиёт, қадрият.*

Жамиятда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, модернизация ва трансформация парадигмал хусусиятга эга бўлганидагина эски анъаналар ўрнига янги ғоявий, маънавий кадриятлар, ижтимоий онгда янги қарашлар, тасавурлар ва идеаллар шаклланади. Парадигмал ўзгариш эски, ўз умрини яшаб бўлган, кишилар онги, ҳаёт тарзи ва фаолиятидан жой олган принципларнинг, нормаларнинг янги давр талабларига мувофиқ алмашишидир. Бу шунчаки ўзгариш эмас, у – туб моҳиятнинг янгиланиши. Парадигмал ўзгариш трансформацияга йўналиш беради ва унинг моҳиятини белгилаб келади. Ҳамма трансформация ҳам парадигмал ўзгариш бўлавермайди, аммо ҳар қандай парадигмал янгиланиш трансформацион ўзгаришдир. Масалан, маънавий-маърифий соҳада очик ҳавода дам олишга бўлган кизикishнинг охири, сув ҳавзаларига чиқишнинг кўпайиши ҳали парадигмал хусусиятга эга эмас. Кишилар бундай дам олишга бўлган кизикishлари лола, гул сайлларига чиқиш, истироҳат боғларида, гузарларда дам олиш каби кўринишларда аввалдан мавжуд. Кейинги пайтларда тоғ ён бағирларига, сув ҳавзаларига чиқиш, туризм кенгайди, бу ўзгаришлар кишиларнинг бўш вақтларини ўтказишдаги трансформациядир. Аммо маданий-маърифий соҳада тўла ўзини ўзи қопловчи, хўжалик ҳисобидаги бизнес клублар, пансионатлар, туристик базалар парадигмал аҳамиятга эга. Бундай дам олиш ўчоқларида барча хизмат пуллик, фойда олишга қаратилган. Бундай муассасалар маданий-маърифий соҳа учун мутлак янгиланди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзи парадигмал ўзгариш ҳисобланади, чунки у илгариги "беғул хизмат" деган тасавурларни бутунлай ўзгартириб, ҳар бир хизмат турини савдо-сотик предметиға айлантирди. "Тараққиёт тарихи кўрсатадики, кишилар ўз меҳнатига, талантиға яраша ҳақ олганида ва тақдирланганида жон қўйдириб ишлади, иштироқлар қилади ва бетакрор санъат асарлари яратади. Шунинг учун келгусида маънавий-маърифий соҳанинг прагматизм қонунларига мувофиқ ривожланишини тан олишимиз, уни фожиа деб эмас, балки тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида қабул қилишимиз зарур." [1: – 111 б.] Тўғри, маънавий-маърифий соҳада беминнат, беғул хизмат турлари бўлиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди, миллий ғоя ва маънавий тарғиботи коммерцияға қурилиши мумкин эмас. Аммо бу тарафдаги тарғибот ишлари давлат, нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзаро келишилган буюртмалари орқали олиб борилади. Бу ҳақ аслида ижтимоий-маданий хизматға ҳақ тўлашдир. Натижада ижтимоий-маданий масканларға буюртмачилар қилган ишиға, ўтказган тадбириға ҳақ тўлаш тартиби қарор топади. Бу эса шўролар давридаги тартибдан тубдан фарқ қилади. Маънавий – маърифий соҳада юз берган парадигмал ўзгариш моноидеология кўрсатмасини бажаришдан полисубъектлар буюртмаларини бажаришға ўтишдадир.

Ижтимоий онгдаги парадигмал ўзгаришларни қуйидаги йўналишлар орқали таҳлил этиш, очиб бериш мумкин:

\* С.Д.Норкулов – ф.ф.н., Тошкент тиббиёт академияси доценти.

- тарихий онг ва тафаккур;
- миллий ўзликни англаш;
- маънавий-ахлоқий кадриятларни янги даврга, мустакил ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ қайта тиклаш;
- диний маърифат ва кадриятлардан фойдаланиш;
- халқаро интеграция ва умуминсоний маънавий бойликларни ўрганишни кенгайтириш;
- инновацияга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш.

Мазкур йўналишлар парадигмал ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш учун етарлидир.

Ўзбекистон мустакилликка эришгач, тарихга бўлган тор синфий, мафкуравий ёндашшидан воз кечди, ўзбек халқи тарихига яқин, тадрижий ривожланиш қусусиятига эга объектив воқелик сифатида қарашга ўтди. Тўғри, ўзбек халқи тарихида турлича талқин этиладиган, зиддиятли воқеа – ҳодисалар, шахслар бор, улар ҳар бир халқ тарихида, цивилизацияда мавжуд. Лекин бу ўзбек халқи тарихини яқин ўрганишга ҳалқат беролмайди. “Тарихнинг яқинлиги, бир бутунлиги ана шу қарама-қаршиликларни тўлалигича ифода этишида! Тарих фалсафаси унинг конкрет воқелик ва ҳаёт фалсафаси билан узвий боғлиқлигида! Тарихий тафаккур, тарихий хотира ана шу тарзда шаклланади. Рад этиб бўлмайдиган, сохталаштириб қилинган мутлақ ҳақиқатга, олий кадриятга айланади. Инсон қалби ва онгига эса ўз ўтмишини ўрганишга қизиқишнинг пайдо бўлиши орқали таъсир этади.” [2: – 27 б.]

Н.Жўраев шўролар давридаги тарихнависликни танқид этади, уни “ночору натовон, гоъвий жиҳатдан бузук, мафкуравий жиҳатдан айниган, илмий жиҳатдан сохталашган, сиёсий жиҳатдан ярокисиз,” [2: – 28 б.] деб атайди. Лекин талқинотчи юз минглаб олий малакали тарихчилар тайёрланганини, юзлаб тарих фанлари докторлари, профессорлар егишиб чиқганини, тарихни асраш, ўрганиш мақсадида минглаб музейлар, экспедициялар, шон-шухрат уйлари таъкил этилганини, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ёлгорликлари комплекслари ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилганини негадир тилга олгани келмайди. Энди-чи? Талқинотчи ёзади: “Тарихга муносабатнинг ўзгараётганлиги ва тобора яқиний тус олаётганлиги ижобий ҳодиса. Бироқ ҳамон шопша-шопарлик, масалага юзаки ёндашиш, ҳар томонлама пухта ўрганмасдан ҳулосалар чиқариш иллатлари бизни тарқ этгани йўқ. Натияжада илмий ҳақиқатдан узоқ, тарих ҳақиқати бузилган дарсликлар пайдо бўлмоқда.

Оқинлари бир томонга оғиб кетган бўлсак, энди бошқа томонга оғаймиз.” [2: – 45 б.] Демак, тарихий онгимизда ҳали тўла янгиланиш рўй бермади, аммо унда трансформация жараёнлари кечяётганини қўрмаслик мумкин эмас. Улар маълум бир тарихий воқеалар (жадилчилик, XX аср бошларидаги миллий озодлик қаракатлари, “босмачилар” деб аталган ота-боболаримиз фаолиятига янги ёндашиш), тарихий шахслар (Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур), маънавий меросимиз (“Авесто” ва Зардушт, тасаввуф ва буюқ тарихотчи боболаримиз, Бехзод ва миллий тасвирий санъат мактаблари), миллий давлатчилигимиз тарихи ҳақида янги қарашларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Бугун ижтимоий фикрдаги трансформация миллий маънавий меросга, давлатчилигимиз тарихига, халқимизнинг буюқ фарзандлари ҳаёти ва фаолиятига объектив қараш, шўролар давридагидек уларни консерватизм, қолоқлик намунаси сифатида рад этмасдан, уларни ўша давридаги ижтимоий-тарихий жараёнлар даврида шаклланган муҳит ва анъаналар нуқтаи назардан баҳолаш тарзида рўй бермоқда. Бу ҳақда ҳали кўп фикрлар билдирилади, янги мабдалар топилиб “оқ доғ”лар ёритилади. Ўзбекистон талқинотчиларининг илмий қарашлари, фикрлари чет эл олимлари асарлари билан қиёслаб ўрганилиши, Н.Жўраев айтганидек, бизни “ҳақиқатдан узоқ, тарих ҳақиқати бузилган” асарлар ёзишдан, шу тарзда тарихий онгнинг бир ёклама, компилятив шаклланишидан асрайди.

Ижтимоий онгдаги навбатдаги парадигмал ўзгариш миллий ўзликни англаш билан боғлиқ.

Маълум бир сабаблар боис ўзлигини намоён қилолмаган халқ, миллат, инсон ижтимоий борлиқнинг яратувчиси, субъекти эканини ҳис қилолмайди, ўзини камситилган, ҳуқуқ ва эркинликлари топталган сезади. Капиталистик муносабатлар авж олган XVII-XX асрларда айрим давлатлар, халқлар йўл тутган ассимиляциялаштириш сиёсатининг агрессив аҳамиятига эга бўлгани кам шундадир.

Миллий ўзлиқни англаш кишиларни маълум бир этник белгилар ва мақсадлар ағрофида бирлашишга ундайди. Шундай бирлашув бўлган жойда миллий ғоя, миллий маданият, миллий онг кишиларни ижтимоий ҳаракатларга, миллат, халқ эканини намоён қилишга чорлайди. Тўғри, мақкур заруратни ҳамма кам бирдек англайвермайди, аввал айрим бир шахслар, гуруҳлар ўзлигини намоён қилади, кейин уларни ҳаракатга ундаган ғоя ва мақсадлар бошқалар онгидан жой олади. Натижада миллат, халқ ҳақидаги диспертив фикрлар кишилар онгида миллий ғоя тарзида шаклланади. Шундай ғояга эга бўлган кишилар уюшмаси, ҳаракати “халқни халқ, миллатни миллат” тарзида тарих сахнасига олиб чиқади.

Миллий ўзлиқни англаш соф субъектив воқелик, жараён эмас, у ижтимоий ҳаётда объективлашиши лозим. Шунинг учун миллий ўзлиқни англаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда ўзини намоён этади.

Ижтимоий-сиёсий соҳада миллий ўзлиқни англаш миллий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятларига эга институтларида акс этади. Айнан ушбу омил ижтимоий онгни парадигмал ўзгаришга етақлайди ва миллий ўзлиқни англашнинг бош объективлашган хусусияти сифатида келади. Мустақил давлат – миллий ўзлиқни англашнинг юксак ифодаси. [2,5: 27-28 б.]

Бундан ташқари миллий давлатга эга бўлиш бутун ижтимоий борлиқни мустақил яратиш, ўзгартириш ва бошқариш имконини беради. Мустақил шароитда бундай имкон бўлмайди, барча бошқариш институтлари ва механизмлари ҳуқуқрон катлам қўлида бўлади. Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги давлат бошқарув тизими билан шўролар давридаги тоталитар бошқариш ўртасида кескин фарқ мавжуд. Ҳозир Ўзбекистон барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат, халқимиз, миллатимиз орзу умидларини, эркин ва фаровон яшаш истагини ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти собиқ СССР ичидаги социалистик республикадан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий ондаги сиёсий соҳа билан боғлиқ парадигмал ўзгариш мустақил давлатда акс этади.

Фуқаролик жамиятининг ўзи ҳам, демократик тарзда, кишилар ижтимоий онгини парадигмал ўзгартирмоқда. Энди кишиларимизда тор синфий манфаатларга, миллатни тан олмайлиган коммунистик мафкурага эмас, балки ўзига, оиласига ва миллатига хизмат қилиш, мустақил тарзда ҳаётини идеалини танлаш фикри шаклланган.

Ижтимоий онда содир бўлаётган парадигмал ўзгаришлар миллий ва умуминсоний кадрлардан кенг фойдаланиш негизда кечмоқда. Шўролар давридаги тор синфий, коммунистик мафкуравий ёндашиш ва стереотиплардан воз кечиш бир томондан, халқимизга хос бўлган, миллатимизни миллат қилган миллий кадрларимизни қайта тиклаш, шу асосда миллий онгни, миллий гуруҳни шакллантириш, иккинчи томондан, умуминсоний бойлиқлардан баҳраманд бўлиш, инновацион тажрибаларни ўрганиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш орқали жаҳон ҳамжамиятига киришга ундамоқда. Халқ, миллат ўзининг тарихий-маданий меросидан ҳеч қачон воз кечмайди, нигилизм айрим шахслар ёки гуруҳларгагина хос воқеадир. Ўзини, ўзлигини унутмаган, ассимиляцияга берилмаган халқ, миллат тарихий-маданий меросидан фойдаланишга мудом эҳтиёж сезади, айниқса жамият бошқа ҳаёт тарзига, тараққиёт моделига ўтаётганида бу эҳтиёж ортади. Шу билан бирга, бутун дунёни чулғаган глобализация умуминсоний бойлиқларга ҳам мурожаат этишга мажбур қилмоқдаки, тараққиёт инновацияларга ҳуриллиши мумкин. Ижтимоий ондаги парадигмал ўзгаришлар энди глобаллашув, инновация таъсирида рўй бермоқда. Лекин бу ўзгаришлар зиддиятли кечishi кўзга ташланади, чунки глобаллашув ва инновацияларнинг ўзи зиддиятли воқеликлардир. [4: – 5-6 б.] Бу парадигмал ўзгаришлар ҳали ўзини тўла намоён этгани йўқ, аммо уларнинг илк кўринишлари кўзга ташланмоқда.

Масалан, ижтимоий-сиёсий соҳада демократизм ва конституционализм тамойилларининг қарор топаётгани, иқтисодий соҳада бозор иқтисодиёти ва глобал интеграцияга қўшилиш рўй бераётгани, маънавий-маданий соҳада умуминсоний кадриятлар устуворлигининг тан олинаётгани, информацион-технология соҳасида интернет, глобал технологик алоқа воситаларининг жорий этилаётгани, таълим-тарбия соҳасида коллеж, лицей, қўшма олий ўқув даргоҳларининг барпо қилинаётгани, халқаро алоқаларда халқ дипломатияси ва трансмилий корпорацияларнинг кенгаётгани мисол бўлиши мумкин.

Ушбу парадигмал ўзгаришлар ҳозир биз учун муҳим, тараққиётимиз учун ўта зарур бўлиб кўриниши мумкин. Бирок парадигмал ўзгаришлар, шу жумладан, модернизация, инновация ва барча трансформация жараёнлари Ўзбекистоннинг стратегик мақсадига зид келмаслиги, ижтимоий оғда унга қарши чиқувчи ғоялар, идеаллар, фикрлар уйғотмаслиги зарур.

Маънавий тараққиёт тўғрисида сўз борганида аввало ёшлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги тилга олинади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму-шижоатингизга суюнаемиз. ... Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар." [3.] Айнан ёшларнинг фаоллиги жамиятда янги маънавий кадриятларнинг шаклланишини таъминлайди, ижтимоий оғдаги парадигмал ўзгаришлар ҳам ана шу фаоллик махсули сифатида келади.

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра ёшлар маънавий тараққиёт учун зарур фазилятларга ҳаққўйлик (60,8 фоиз), миллий кадриятларни ҳурматлаш (55,5 фоиз), ўз халқи тарихини яқин билиш ва миллий ғурур туйғусини ривожлантириш (44,2 фоиз), қалб поклиги (39,1 фоиз), камтаринлик (39,5 фоиз), миллатлараро ва ҳудудлараро бағрикенглик (29,6 фоиз), экстремистларга салбий муносабат (19,5 фоиз), меҳнатсеварлик (0,5 фоиз), маданийлик (0,9 фоиз), билимдонлик (0,7 фоиз)ни киритадилар [6: - 44 б.]. Уларнинг назарида ушбу фазилятларга эга бўлмағи маънавиятнинг юксалиши ҳақида тўхталиш кийин, чунки инсондаги маънавий фазилятларга қараб жамият маънавий тараққиёти белгиланади. Энг муҳими шундаки, ёшлар маънавий тараққиётни ғайриахлоқий, ғайринсоний иллатлардан қутулишда деб биладилар. Уларнинг ушбу фикри халқимизнинг қадимий орзу тилакларига ҳамоҳанг, яқин бўлса-да, инсон ҳаёти, келажак тақдири ҳавф остида турган ҳозирги таҳликали дунёда у ўта долзарб аҳамиятга эга. Инсон ҳаётини, келажак тақдирини ғайриахлоқий, ғайринсоний иллатлардан қутулиш орқалигина яқинлаш мумкин. Ёшлар ушбу иллатлар қаторига поракўрлик (54,9 фоиз), такаббурлик (52,7 фоиз), инқизиламачилик (17,3 фоиз), бепарволик (14,5 фоиз), текинсўрлик (10,4 фоиз), ёлгончилик (1,7 фоиз), ҳасадқўйлик (0,5 фоиз), ғийбатчилик (0,6 фоиз), тухматчилик, дингасалик ва кўполлик (0,2 фоиз)ни киритадилар.[6.]

Маънавий юксалиш ва покланиш йўлидан кетаётган Ўзбекистонда бундай иллатларга ўрин қолмаслиги зарур. Ёшлар ижтимоий оғдаги иллатларга қарши муносабат маънавий тараққиёт ва ғайриахлоқий, ғайринсоний иллатлардан қутулишнинг асоси ҳисобланади. Айнан шундай фаол муносабат туфайли фуқаролик жамияти маънавиятида парадигмал ўзгаришлар, янгиланиш ва покланиш рўй беради.

#### Адабиётлар:

1. Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалшёт (фалсафий-социологик тадқиқот). -Тошкент: Наврўз, 2014.
2. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг қатта бойлиги, бебаҳо хазинаси. // Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. 2020 йил 25 декабрь.
4. Умаров Б.Г.Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: Маънавият, 2006.

5. Қасимов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари – Тошкент: Ижтимоий фикр жамоатчилиги Маркази, 2011.
6. Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Тошкент: Akademiya, 2007.



#### **ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ОНГДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КИШИЛАР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ**

*Маъқул мақолада Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий онгдаги парадигмал ўзгаришлар таҳлил этилган. Жамиятнинг янги парадигмага таяниши, эски ҳаёт тарзидан, қарашлардан ва моделлардан мўтлақ воз кечиб, янги талабларга, моделларга ўтиши парадигмал хусусиятга эга эканлиги очиқ берилган. Шунингдек, ижтимоий онгдаги парадигмал ўзгаришларнинг йўналишлари таҳлил этилган.*

#### **ВОПРОСЫ ВЛИЯНИЯ ИЗМЕНЕНИЙ СОЦИАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ ОБЩЕСТВА НА ДУХОВНУЮ ЖИЗНЬ ЛЮДЕЙ**

*В данной статье были проанализированы парадигмальные изменения в общественном сознании в Узбекистане после приобретения независимости. Были раскрыты парадигмальные признаки общества, которые опираются на новые парадигмы, абсолютно не признающие старый образ жизни, взгляды и модели, переходящие на новые требования и модели. А также были проанализированы направления парадигмальных изменений общественного сознания.*

#### **ISSUES OF INFLUENCE OF CHANGES IN SOCIAL CONSCIOUSNESS ON THE SPIRITUAL LIFE OF PEOPLE**

*This article analyzed the paradigmatic changes in the public consciousness in Uzbekistan after independence. There have been disclosed paradigmatic signs society that rely on new paradigms, absolutely do not recognize the old way of life, attitudes and patterns going over to the new requirements and model. Also analyzed the direction of paradigmatic change in public consciousness.*